

ФУРАДРАЗОЛ ДОРИ ВОСИТАСИНИ ЮССХ УСУЛИДА ТАҲЛИЛИ

Н.Э. Юнусхожиева

Р.А. Хусаинова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси


e-mail: nigora.yunuskhojiyeva@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17335184>

Мавзунинг долзарблиги: Юқори самарали кўп компонентли дори воситаларини ишлаб чиқиш замонавий фармациянинг асосий амалий вазифаларидан бирига кириб, уларнинг сифат ва миқдорий таркибини аниқ учун муқобил таҳлил усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Турли ҳил табиатдаги моддаларни ўз ичига олган кўп компонентли дори моддаларни таҳлил қилиш одатда маълум қийинчиликлар билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ) усули мураккаб таркибли дори воситаларини таҳлил қилишнинг асосий усулларидан биридир. Тадқиқот ишимизда фурадонин, метронидазол ва дротаверин асосида олинган мураккаб таркибли цистит касалликларида қўлланиладиган “Фурадрозол” капсуласи ишлаб чиқилган бўлиб, унинг сифатини баҳолашда ИҚ- ва УБ-спектрофотометрик усуллардан фойдаланилган. Лекин айрим камчиликларни ҳисобига миқдорини аниқлашда бу усулларда етарлича аниқ натижалар олиш имконияти бўлмади.

Тадқиқотнинг мақсади: “Фурадрозол” капсуласи таркибидаги фурадонин, метронидазол ва дротаверин дори моддаларни аниқлаш учун ЮССХ усулида таҳлил олиб бориш ва муқобил шароитларни ишлаб чиқиш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. ЮССХ усулида таҳлил олиб бориш учун қуйидаги шароит танланди: хроматограф - Shimadzu (AQSh) LC -2030, заррачалар ўлчами 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB-C18 сорбент билан тўлдирилган, 4,6×150 мм ўлчамдаги колонкада амалга оширилди. Қўзғалувчи фаза ацетонитрил (А) ва buffer эритма рН 3 (Б), градиент режимида бажарилди.



1-расм. “Фурадрозол” капсуласи хроматограммаси

Натижалар: 1-расмда келтирилган хроматограммадаги маълумотларни стандарт эритмалар хроматограммаси билан солиштирилганда метронидазол ушланиш вақти 2,247 дақиқани ташкил этди, миқдори -98,75%, дротаверин гидрохлорид ушланиш вақти 9,292 дақиқани ташкил этди, миқдори 101,11 % ва фурадонинни ушланиш вақти 3,256, миқдори эса 101,4 % ташкил қилди.



Хулоса. “Фурадрозол” капсуласи таркибидаги асосий таъсир қилувчи моддаларни идентификациялаш ва микдорини аниқлаш учун ЮССХ услуги ишлаб чиқилди ва бу услуб дори воситасининг фармакопея мақоласига киритилиши учун замин бўла олади.